

ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИ

Эгамбердиев Ҳусан Ҳамза ўғли.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Тергов фаолияти”
мутахассислиги бўйича магистратура тингловчиси.

E-mail: xusan.egamberdiyev@mail.ru; *Phone:* +99897 286-92-22.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11521345>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларнинг мақоми ва унинг жиноят процессидаги аҳамиятини тадқиқ қилиш орқали жиноят процессида жабрланувчи сифатида юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини, процессуал кафолатларини таъминлаш ҳамда уни кенгайтириш масалалари ёритилиши билан бирга ўрганилиши лозим бўлган мавжуд муаммоли ҳолатлар баён этилган.

Калит сўзлар: Жабрланувчи, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар, ишчанлик обрўсига, жиноят-процессуал қонунчилиги.

PROCEDURAL GUARANTEES OF THE PROTECTION OF THE VICTIM'S RIGHTS AND LEGAL INTERESTS

Abstract. In accordance with the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, the status of legal entities and their importance in the criminal process, by researching the status of legal entities and their importance in the criminal process, the protection of the rights and legal interests of legal entities as a victim in the criminal process, providing procedural guarantees and the issues of its expansion are described.

Key words: Victim, rights and legal interests, business reputation, criminal procedural law.

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ГАРАНТИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ПОТЕРПОВШЕГО

Аннотация. В соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан статус юридических лиц и их значение в уголовном процессе путем исследования статуса юридических лиц и их значения в уголовном процессе, защита прав и законных интересов описываются юридические лица как потерпевшие в уголовном процессе, предоставление процессуальных гарантий и вопросы ее расширения.

Ключевые слова: Потерпевший, права и законные интересы, деловая репутация, уголовно-процессуальное право.

КИРИШ

Ривожланиш йўлидан жадал суръатлар билан бораётган ва тараққий этган давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллашга интилаётган республикамизда бошқа соҳалар каторида жабрланувчи институти ҳам самарали ислоҳ қилинмоқда.

Бугунги кунда юридик шахсларни жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этмаслик учун бирор-бир қатъий асос мавжуд эмас. Қолаверса, бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида юридик шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш мумкинлиги белгиланган. Жумладан:

- Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси 42-моддасининг 1-бандига асосан жиноят оқибатида жисмоний, мулкӣ, маънавий зарар етказилган жисмоний шахс, шунингдек мол-мулкига ёки ишчанлик обрўсига зарар етказилган ҳолатларда юридик шахслар ҳам жабрланувчи деб эътироф этилиши белгиланган¹;

- Озарбайжон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддаси 3-бандига кўра, жиноят оқибатида маънавий ёки моддий зарар етказилган юридик шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилиши мумкин. Бундай ҳолатда жабрланувчининг ушбу моддада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик шахснинг ваколатли вакили амалга ошириши белгиланган²;

- Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 374-параграфи 3-бандига мувофиқ, жисмоний шахслар билан бир қаторда “корпорация, жамиятлар ва бошқа шахслар” жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкин³;

- Полша Жиноят-процессуал кодексига биноан нафақат юридик шахслар қонуний тартибда жабрланувчи бўлиши мумкин, балки юридик мақомга эга бўлмаган давлат ва жамоавий идоралар ҳам жабрланувчи деб топилиши мумкин⁴;

- Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 71-моддасининг 12-бандида, жиноят оқибатида мулкӣ зарар кўрган юридик шахс жабрланувчи деб топилиши мумкинлиги белгиланган. Бундай ҳолатда жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик шахснинг вакили амалга оширади⁵;

- Тожикистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 42-моддаси 1-бандига мувофиқ, жиноят оқибатида маънавий ёхуд моддий зарар кўрган юридик шахслар жабрланувчи деб топилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини юридик шахснинг вакили амалга оширади⁶.

Биз айрим олимлар томонидан илгари сурилган “...юридик шахсларга жабрланувчи ҳуқуқий мақомининг берилиши муайян даражада ҳуқуқни қўлловчининг субъектив муносабатига боғлиқ бўлади”⁷ деган мазмундаги қарашларига тўла қўшила олмаймиз. Мазкур ҳолатда ҳуқуқни қўлловчи субъект юридик шахсга нисбатан жиноят содир этилганлиги ҳолатларида ушбу юридик шахсни иш бўйича жабрланувчи деб топиши ва унинг вакили тегишли процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишини таъминлаши лозим. Бунда мансабдор шахслар ва суд қайд этилган юридик шахсни иш бўйича албатта жабрланувчи деб эътироф этишлари лозим бўлиб, юридик шахснинг раҳбари унга жабрланувчи сифатида тақдим этилган қонуний процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масаласини ихтиёрий равишда ҳал қилади.

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. 2019 г. <http://www.duma.consultant.ru>

² Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. 2019 г. <http://www.zakon.az>

³ Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия. 2019 г. <http://www.cgerli.org>

⁴ Ларин А.М. Защита прав потерпевшего в уголовном процессе (Сравнительное исследование). - Москва.: Наука, 2003 г.-С. 41.

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. 2019 г. <http://www.zakon.kz>

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. 2009 г. (2019 йилгача бўлган ўзгартиришлар билан) <http://base.spininform.ru>

⁷ Брусницын Л.В. Потерпевший: уголовно-процессуальные аспекты // Государство и право. – Москва.: 2005г. - № 9. — С.70.

Шу билан бирга, айрим муаллифлар фикрича, юридик шахсларга жабрланувчи мақомининг берилиши, жиноят иши бўйича айрим муаммоларни келтириб чиқаради.

Жумладан, Е.Е. Кондратьев юридик шахсга жабрланувчи мақомининг берилиши ЖПКнинг айрим нормаларини (жабрланувчи деб топилган юридик шахс жиноят иши хужжатлари билан танишиб чиқиши лозим) амалга оширишга доир муаммоларни келтириб чиқаради деб қайд этган⁸. Ушбу вақти асосли деб ҳисобламаймиз. Юридик шахс, фуқаровий даъвогар деб эътироф этилгач, қўзғатилган даъво бўйича дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 57-моддаси). Бундай қоида юридик шахсни фуқаровий даъвогар деб топиш учун тўққинчи қилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу шахсларни жабрланувчи деб топиш ҳам истисно этилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Шу жиҳатдан, М.В. Танцеров томонидан келтирилган юридик шахсларни жабрланувчи деб эътироф этиш мумкинлигини асословчи қатъий вақт – яъни “юридик шахсларни жабрланувчи деб топилмаслиги қонун ва суд олдидаги тенглик принципи (айни вақтда иқтисодий фаолиятдаги иштирок шаклидан қатъи назарда тенг бўлиш) зид ҳисобланади” мазмунидаги фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз⁹.

Бизнинг фикримизча, юридик шахсга мулкӣ зарар етказилган ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказилган ҳолатларда, ушбу шахсга жабрланувчи мақомини бериш имкониятининг қонуний мустаҳкамланиб қўйилиши унинг ўз қонуний манфаатларини ҳимоялаш бўйича процессуал ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилади. Бундай тартибда жабрланувчига у фақат фуқаровий даъвогар деб топилган ҳолатга қараганда кенгроқ ҳажмдаги ҳуқуқларни тақдим этади ва ўз ҳуқуқларини ҳимоялашида кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Бу ўринда зарар юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Юридик шахсга нисбатан қўлланилганда “ишчанлик обрўси” муайян юридик шахснинг касбий устунликлари ва камчиликлари борасида шаклланган жамоатчилик фикри сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги Қарорининг 9-бандига асосан “бадном қилувчи маълумотлар деганда, айрим фуқаролар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини оёқ ости қилувчи, обрўни тўқувчи маълумотлар ҳисобланишини” қайд этилган¹⁰.

Жиноят оқибатида етказилган зарар, масалан босма ёки бошқача усулда қўпайтирилган матнларда ёки оммавий ахборот воситалари орқали хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлғон, ноаниқ

⁸Кондратьев Е.Е. Защита свидетелей, потерпевших и других участников уголовного процесса // Государство и право. – Москва.: 2013 г. - № 8. - С. 50.

⁹Танцеров М.В. Потерпевший и его функция в уголовном процессе России. Дисс. Канд. юрид. наук. - Томск, 2011 г. – С.54.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2006 й. – 17-бет.

ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш (ЖКнинг 192-моддаси) жиноий ишларни юритиш тартибида қопланиши лозим. Шунингдек, муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЖКнинг 149-моддаси) орқали ҳам ишчанлик обрўсига зарар етказилиши мумкин.

Шубҳасиз, ишчанлик обрўсига етказилган зарарни қоплашда жабрланувчи – юридик шахснинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Айрим процессуалистлар томонидан, шунингдек “юридик шахсларга уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган ҳолатда, жиноят процесси доирасида маънавий зарарни қоплаб беришни талаб қилиш ҳуқуқи берилиши лозим” деган қарашни илгари сурадилар¹¹.

Фикримизча, содир этилган жиноят оқибатида юридик шахснинг ишчанлик обрўсига салбий оқибатлар келтириб чиқарган тақдирда ёхуд шундай зарар келиб чиқишининг ҳақиқий хавфи мавжуд бўлган тақдирдагина жабрланувчи деб топилган юридик шахсда етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи мавжуд бўлиши лозим. Салбий оқибатлар деганда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, давлат органлари, бошқа юридик шахслар (шу жумладан иш бўйича ҳамкорлар), айти юридик шахс томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ёки кўрсатиладиган хизматларнинг истеъмолчиларида ушбу товар ёки хизматдан фойдаланиши натижасида юридик шахсга нисбатан ишончсизлик туғилишини тушунишимиз мумкин¹².

Баён этилганларга асосан, қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида юридик шахснинг ишчанлик обрўсига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан юридик шахсларининг жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этишнинг асоси сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, зеро, бугунги кунда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият юритувчи юридик шахсларининг ҳуқуқларини поймол этиш белгиларига эга жиноятлар содир этилиши тобора ошиб бормоқда.

Ф. Мухитдиновнинг таъкидлашича: «қонунларнинг такомиллашуви аслида шахс ҳуқуқлари ҳамда унинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, инсон, жамият ва ҳокимиятнинг ўзаро муносабатларини ҳуқуқнинг ғояси асосида тартибга солиш сари йўналтирилмоғи зарур. Инсон ва унинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига бўлган ҳар қандай тажовузлардан мустаҳкам қўриқланмоғи лозимдир».

Дарҳақиқат, жамиятда нафақат шахс ва унинг ҳаёти, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳам ишчанлик обрўси ва мулккий ҳуқуқлари давлат томонидан самарали муҳофаза қилиниши лозим.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. “Ўзбекистон”2023-йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.

¹¹ Брусницын Л. В. Потерпевший: процессуальные аспекты // Государство и право. – Москва 2005г. - № 9. - С. 70.

¹² Колдин С.В. Защита прав и законных интересов потерпевшего по Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Саратов, 2004 г. - С. 12.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят–процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг расмий веб-сайти www.lex.uz.
4. “Ўзбекистон Юридик энциклопедияси”, Т., “Адолат”, 2010-йил.
Электрон таълим ресурслари:
5. www.ziyonet.uz
6. www.lex.uz
7. [http://www. Norma.uz.](http://www.Norma.uz)
8. [http://www. minjust.uz](http://www.minjust.uz)